

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВ РАСУЛ АХМАТОВИЧ

**ЎСИМЛИКЛАР БИОЦЕНОЗИДА IN VITRO МУҲИТИДА
ЕТИШТИРИЛГАН ЭНТОМОФАГЛАР ХЎЖАЙИН-ПАРАЗИТ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Жумаев Расул Ахматович

Ўсимликлар биоценозида *in vitro* мухитида етиштирилган
энтомофаглар хўжайин-паразит муносабатларининг шаклланиши.....3

Жумаев Расул Ахматович

Формирование паразито-хозяйинных взаимоотношений энтомофагов,
разведенных в среде *in vitro* в растительном биоценозе.....29

Jumaev Rasul Axmatovich

Formation of parasitic relations of entomophagous grown in biocenosis
of plants *in vitro*.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publication works.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВ РАСУЛ АХМАТОВИЧ

**ЎСИМЛИКЛАР БИОЦЕНОЗИДА IN VITRO МУҲИТИДА
ЕТИШТИРИЛГАН ЭНТОМОФАГЛАР ХЎЖАИН-ПАРАЗИТ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/Qx92 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович биология фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич биология фанлари доктори, профессор Аманов Шухрат Бахтиёрвич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Юсупова Махпуза Нумоновна қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Зоология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «30» июнь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tgau-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (535227 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси 2, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «14» июнда тарқатилди.
(2018 йил «19» майдаги 22.5 рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Номозов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, к.х.ф.д., профессор

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинарраиси, к/х.ф.д

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда экология ва атроф муҳитнинг кескин ўзгариши, инсон томонидан табиатнинг шиддат билан ўзлаштирилиши, ўша жойга хос бўлган биоценоз жонзотларини буткул йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда жиддий хавф туғдирмоқда. Албатта бу хавфни олдини олиш мақсадида инсоният томонидан турли туман восита ва усулларни шиддат билан қўлланилиши ушбу ареалга хос бўлган фойдали организмларни қирилиб кетиши билан бирга, биоценоздаги биохилма-хиллик мувозанатининг бузилишига, атроф муҳитнинг ифлосланишига, айрим зараркунандаларнинг кескин кўпайиб кетишига олиб келмоқда ҳамда иссиққонли жонзотларга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг натижасида «Зараркунандаларнинг салбий таъсири дунё қишлоқ хўжалигида 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланиб, бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг кескин камайишига олиб келмоқда»¹. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экинларни зараркунандалар зарарланишидан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандалари туфайли йўқотилаётган ҳосилни сақлаб қолиш мақсадида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича йирик илмий тадқиқотлар жадаллашган. Атроф муҳитнинг глобаллашуви жараёнида қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандаларига қарши экологик соф кураш усулларини қўллаш йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш усулларида нанотехнологияларни яратиш ва қўллаш бўйича Хитой, Франция мамлакатларида йирик лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кенг кўламли ислоҳатлар олиб борилиб, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, республикамиз аҳолисининг ортиб бориши ҳамда экспорт жараёнининг жадаллашиши туфайли янги технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан самарали ва экологик соф усуллар ёрдамида ҳимоя қилиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, зараркунандаларига қарши фойдали ҳашаротларни етиштириш ва қўллаш усулларини такомиллаштириш асосий вазифлардан бири этиб белгиланган. Лабораторияларда энтомофагларни қисқа муддатларда, сифатли кўпайтириш усулларида *in vitro* технологиясини тадқиқ этиш республикамиз биологик лабораторияларида паразит энтомофаг турларини (Trichogrammatidae, Braconidae) кўпайтириш имкониятларини ошириб, сабзавот, боғ, ғўза, дон ва дуккакли экинларида учровчи Lepidoptera туркум вакиллари зараркунандаларини миқдорини бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>.

стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган бўлиб, қишлоқ хўжалигида сифатли ва экологик тоза қишлоқ хўжалиги махсулотларини йил давомида таъминлаш мақсадида сабзавот, ғўза, дон ва дуккакли экинларга катта зарар етказувчи *Lepidoptera* туркум вакиллари зараркунандаларига қарши самарали биологик кураш олиб бориш, энтомофагларни *in vitro* усулида етиштириш, қўллаш технологиясини такомиллаштириш ҳамда қарши кураш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-20 январ кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифида Қизириқ туманидаги маърузасида қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштиришда биологик кураш усулларини ривожлантириш таклифлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Паразит энтомофагларнинг турларини аниқлаш, тарқалиш ареали, биоэкологик хусусиятлари, тунламлар сонини бошқариш ва хўжайин турларининг аҳамияти, самарали турларини ажратиш паразит-энтомофагларни ялпи кўпайтириш ва қўллаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Organization for Biological Control (Германия); Pisa University (Италия), Department of Entomology University of Arizona (АҚШ); Texas A&M University, International Guangdong Entomological Institute (Хитой); Shikoku National Agricultural Experiment Station (Япония); Agriculture University of Tabriz (Эрон); Agriculture University of Faisalabad (Покистон); Tamil Nadu Agricultural University (Ҳиндистон); Бутунроссия ўсимликларни ҳимоя қилиш институти (Россия); Молдова ўсимликларни ҳимоя қилиш, экология, тупроқшунослик институти (Молдова): Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университетида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Паразит энтомофагларни агробиоценозда *Lepidoptera* туркум вакилларига қарши қўллаш, экинлар ҳосилини сақлаб қолишга оид жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қатор илмий ва амалий

натижалар олинган: паразит энтомофагларнинг ривожланиши, озикланиш занжири ва физиологик, биологик хусусиятлари, ялпи кўпайтиришда *in vitro* усулларида фойдаланиш технологиялари яратилган (Texas A&M University, University of Arizona, Guangdong Entomological Institute); паразит энтомофагларнинг ривожланиш хусусиятларига абиотик ва антропоген омиллар таъсири, уларни қўллашнинг такомиллашган усуллари ишлаб чиқилган (International Organization for Biological Control); агробиоценозда қўлланиладиган пестицидларнинг паразит энтомофагларга таъсири, паразит хўжайин муносабатларининг шаклланиши аниқланган (Shikoku National Agricultural Experiment Station, Tamil Nadu Agricultural University); паразит-энтомофаглар систематик таҳлил қилинган (Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институт).

Бугунги кунда паразит энтомофагларни янги турларини аниқлаш ва *in vitro* усулида кўпайтиришга оид, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: паразит энтомофагларни кўпайтириш технологиясини такомиллаштириш, биологик хусусиятларини баҳолаш, қишлоқ хўжалигида Lepidoptera туркум вакиллари микдорини бошқариш, экологик тоза, юқори ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда қўллаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паразит энтомофаг турларини аниқлаш бўйича жахон олимларидан В.Pintureau, К.Miura, А.Donald, Н.С.Sharma, Н.Sajid паразит энтомофагларни *in vitro* усулида кўпайтириш ва тунлам тухум ва куртларига қарши қўллаш бўйича Li.Li-Ying, J.Zhang, Xie Zhang ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган. Lepidoptera туркуми вакиллари сони бошқаришда трихограмма ва браконнинг ўрни бўйича: А.Donald Nordlund, Z.X.Wut, S.M.Greenberg, S.A.Hassan, А.Herz, W.H.Liu, Daniel Jennings, Н.Sajid ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда илк бор маҳаллий паразит-энтомофагларнинг тур таркибини аниқлаш бўйича И.В.Васильев, В.А.Заславский А.Ф.Радецкий (1934-1940) каби олимлар, 1975-1995 йиллардан бошлаб трихограммаларни тунлам тухумларига қарши биологик курашдаги самарадорлиги бўйича Ш.М.Гринберг, Л.В.Подберезская, А.Ш.Хамраев, Х.Р.Мирзалиева, Т.М.Атамирзаевалар илмий-тадқиқот ишларини олиб борган, уларнинг биоэкологиясини ўрганиш ва лаборатория шароитида кўпайтириш, ҳамда қўллаш муаммолари бўйича Х.Р.Мирзалиева, В.П.Сугонаев, А.П.Сорокина ўз илмий ишларида тадқиқ этганлар.

Сўнг йилларда академик Б.А.Сулаймонов, профессорлар Х.Х.Кимсанбоев, М.Рашидов, А.Хамраев, А.Р.Анорбаев ва бошқалар биологик лабораторияда паразит энтомофагларни кўпайтириш, янги турларини интродукциялаш, иқлимлаштириш, қишлоқ хўжалик экинларида учровчи тангақанотлиларга қарши қўллаш, бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борган. Юқоридаги тадқиқот ишлари яъни паразит энтомофагларни етиштиришнинг дастлабки усуллари ва *in vitro* усулларида назарий асослари маълум даражада амалга оширилган, бироқ Trichogrammatidae ва Braconidae оила

вакиллари *in vitro* усулда ялпи кўпайтириш, амалиётда биологик ва иқтисодий самарадорлигининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги экинларида учрайдиган *Lepidoptera* туркум вакиллари миқдорини биологик усулда бошқаришни тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-411 «Сабзавот экинларида сўрувчи зараркунандалар биоэкологияси ва уларга қарши уйғунлашган кураш тизимларини ишлаб чиқиш» (2018-2020й), ВА-КХФ-5-007 «Ўсимликларни биологик ҳимоя қилишда энтомофагларни *in vitro* усулида кўпайтиришнинг назарий асослари» (2017-2020 й.), КФ5-002 «Ўсимлик зараркунандалари паразитлари ва уларнинг биоценоздаги ривожланиш назарияси» (2012-2016 й.), ҚХИ-5-128-2016 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда зараркунандаларга қарши юқори самарадор ва экологик соф, трихограммни кўпайтириш, қадоқлаш ва тарқатишнинг янги технологияларини жорий этиш» (2016-2017 й.) мавзуларидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *in vitro* усулида кўпайтирилган паразит энтомофагларни (*Trichogrammatidae*, *Braconidae*) ғўза, сабзавот ва дон-дуккакли экинлар агробиоценозида *Lepidoptera* туркуми вакиллари миқдорини бошқаришдаги аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

агробиоценозда учрайдиган асосий *Lepidoptera* туркуми зараркунандаларини самарали паразит-энтомофаг турларини аниқлаш биоэкологияси ва тарқалиш ареалини тадқиқ этиш;

паразит энтомофаглардан *Trichogrammatidae*, *Braconidae* оила вакиллари *in vitro* усулида кўпайтиришда самарали озика муҳитларини яратиш ва уларни сақлаш технологиясини яратиш;

in vitro усулида кўпайтирилган *Trichogrammatidae*, *Braconidae* оила вакиллари турли агробиоценозда биологик хусусиятлари ва ривожланишини тадқиқ этиш;

in vitro усулида кўпайтирилган паразит энтомофагларни биоценоздаги табиий энтомофаг популяциялари билан ўзаро муносабатларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

тангақанотлиларга қарши *in vitro* усулида кўпайтирилган паразит энтомофагларни *Lepidoptera* туркуми вакиллари миқдорини бошқаришда қўллаш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўза, сабзавот, дон ва дуккакли экин навлари, экин зараркунандалардан ғўза тунлами, кузги тунлам, маккажўхори поя парвонаси, маккажўхори куяси, карам куяси, паразит энтомофаглардан *Trichogrammatidae* оиласининг *Trichogramma embryophagum.*, *Trichogramma pintoi* Voeg., *Trichogramma evanescens* West., *Trichogramma chilonis* Ishii, *Braconidae* оиласининг *Bracon hebetor* Say., *Bracon juglandis* Ashm турлари

ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб энтомофаглари *in vitro* усулида кўпайтириш технологияси, уларни қўллаш усул ва воситалари ҳамда биологик-иктисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда энтомологик, биотехнологик, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

илк бор барг ўровчи ва тангачанотлиларнинг самарали паразит-энтомофагларидан Hymenoptera туркумининг Pteromalidae, Eulophidae, ва Ichneumonidae оилаларига мансуб *Callitula spinola*, *Chrysocharis* ва *Diadegma armillata* янги турлари аниқланган;

илк бор ўта хавфли бўлган ўсимлик зараркунандаларини паразит-энтомофаглари учун янги сунъий озика муҳитлари яратилган;

илк бор *in vitro* муҳитида яратилган Trichogrammatidae ва Braconidae оила вакиллари ривожланиш назарияси яратилган;

илк бор паразит энтомофаглари *in vitro* муҳитида кўпайтиришда энг мақбул иқлим шароити ва сунъий озика муҳитларини сақлашнинг ўзгармас қонуниятлари ишлаб чиқилган;

ўсимликлар биоценозида *in vitro* усулида кўпайтирилган паразит энтомофаглари табиий популяция билан ўзаро муносабати ва хўжайин-паразит мувозанати ҳамда улар сонини бошқаришнинг концепсияси ишлаб чиқилган;

Lepidoptera туркуми вакилларига қарши *in vitro* усулида кўпайтирилган паразит энтомофаглари қисқа муддатларда, ресурстежамкор, юқори самара олиш имкониятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

паразит энтомофаглари Trichogrammatidae, Braconidae оила вакиллари *in vitro* усулида кўпайтиришда самарали озика муҳитларининг таркибий қисмлари ишлаб чиқилган;

Trichogrammatidae, Braconidae оила вакиллари *in vitro* усулида кўпайтирилган паразит энтомофаг авлодлари табиий турлар билан таққосланган;

Trichogrammatidae, Braconidae оила вакиллари *in vitro* усулида кўпайтириш ва қўллашнинг янги технологияси ишлаб чиқилган ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш амалиётига тавсия этилган;

паразит энтомофаглари *in vitro* муҳитида кўпайтирилган авлодларини кўпайтириш усул ва воситалари, тадқиқотдан олинган самарадор технологиялар хорижий илмий-тадқиқот лабораторияларига, республикада ўтказилган тадқиқот ҳудуди экин майдонлари ва биологикаларга жорий этилган;

тангачанотлиларга қарши қўлланилган *in vitro* авлодларининг агробиоценозда паразит-хўжайин муносабатларининг шаклланишида, хўжайин миқдорини бошқаришдаги ўрни амалий исботланган;

Республикада ўсимликларни ҳимоя қилиш амалиётида *in vitro* усулида

кўпайтирилган *Trichogrammatidae*, *Braconidae* оила вакилларининг *Lepidoptera* туркуми вакиллари миқдорини бошқаришда биологик-иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация иши тадқиқотларининг замонавий усул ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, тадқиқотда олинган натижалар назарий-илмий ёндашувлар асосида олинганлиги, амалий натижаларнинг назарий асосларига мос келиши, лаборатория ва дала тажрибаларининг ўзаро таққосланганлиги, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, Тошкент давлат аграр университети Ўсимликларни биологик химоя қилиш илмий-тадқиқот марказининг фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалари бажарилиши давомида муддатли апробациялардан ўтказилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижалари бўйича далолатномалар тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биоценозида учрайдиган *Lepidoptera* туркум вакилларини асосий тур таркиби ва улар популяцияси миқдорини самарали бошқаришдаги паразит-хўжайин муносабатлари аниқланганлиги шунингдек, *in vitro* усулида кўпайтирилган паразит энтомофагларни биоценоздаги табиий энтомофаг популяциялари билан ўзаро муносабатларини аниқланганлиги, тангачақанотлиларга қарши қўлланилган *in vitro* авлодларининг агробиоценозда паразит-хўжайин муносабатларининг шаклланиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк бор паразит энтомофагларнинг *Trichogrammatidae*, *Braconidae* оила вакилларини *in vitro* муҳитида кўпайтириш учун самарали озика муҳитларининг таркибий қисмлари ишлаб чиқилганлиги, паразит энтомофагларни *in vitro* муҳитида кўпайтиришда сунъий озика муҳитларини сақлаш муддатлари ҳамда *in vitro* муҳитида кўпайтирилган паразит энтомофагларнинг агробиоценозда қўллаш муддат ва меъёрлари ишлаб чиқилганлиги, *in vitro* муҳитида кўпайтирилган *Trichogrammatidae*, *Braconidae* оила вакилларини *Lepidoptera* туркуми вакиллари миқдорини самарали бошқариши натижасида экин ҳосилини сақлаб қолинганлиги, паразит энтомофагларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсимликлар биоценозида *in vitro* муҳитида етиштирилган энтомофаглар хўжайин-паразит муносабатларининг шаклланиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

паразит-энтомофагларни *in vitro* усулида кўпайтириш технологияси (*Trichogramma pintoi*, *Trichogramma evanescens*, *Trichogramma chilonis*, *Bracon hebetor*, *Bracon juglandis*) Тошкент вилоятининг «Бўстон биохимоя» биологик лабораториясига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 май 02/023-107-сон маълумотномаси). Натижада мавсумда қисқа

муддатда энтомофагларни ялпи ишлаб чиқариш, энтомофагларни ташиш ва қўллаш, ишчи кучи ва сарф материаллари 3-4 баробар тежалган;

паразит энтомофагларни *in vitro* мухитида кўпайтиришда ишлаб чиқилган сунъий озикаларнинг таркибий қисмларини тайёрлаш, паразит энтомофагларни кўпайтириш технологияси АҚШнинг «Michigan State University» нинг (Memorandum, 10.31.2017) илмий лабораториясига, Покистон «Pakistan Entomological Institut»нинг (Memorandum, 07. 09. 2017) ўсимликлар химояси лабораториясига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 май 02/023-107-сон маълумотномаси). Натижада *in vitro* илмий лабораториялар ташкил этилган, паразит энтомофагларни кўпайтиришнинг самарадорлиги 4-5 баробар ортган, ўсимликларни биологик химоя қилиш такомиллаштирилган;

бракон паразитини *in vitro* усулида кўпайтириш технологияси Мичиган давлат университети олимлари билан икки томонлама ҳамкорлик шартнома доирасида Мичиган давлат университети лабораториясига жорий этилган (Declaration for Collaboration 25.05.2018, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 май 02/023-107-сон маълумотномаси). Натижада *in vitro* илмий лабораториялар ташкил этилган, паразит энтомофагларни кўпайтиришнинг нанотехнологияси яратилган, ушбу ҳудудда ўсимликларни биологик химоя қилиш такомиллаштирилган;

энтомофагларни *in vitro* усулида кўпайтириш ва сунъий озика мухитини тайёрлаш технологияси Россиянинг Волгоград давлат аграр университетида боғдорчилик ва ўсимликларни химоя қилиш кафедраси лабораториясида (Договор о сотрудничестве с сфере научно-исследовательской деятельности 14.04.2018// Перечен направлений сотрудничества № 5;12) жорий этилди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 май 02/023-107-сон маълумотномаси). Натижада Волгоград давлат аграр университетида *in vitro* илмий лабораторияси ташкил этилган, унда паразит энтомофагларни кўпайтириш йўлга қўйилган, ўсимликларни биологик химоя қилишни такомиллаштириш хисобига самарадорлик 4-5 баробар ортган;

in vitro усулида кўпайтирилган паразит энтомофаг (*Trichogramma pintoi*, *Trichogramma evanescens*, *Trichogramma chilonis*, *Bracon hebetor*, *Bracon juglandis*) авлодлари экинларнинг зараркунандаларига қарши Тошкент, Сирдарё вилоятлари ғўза, сабзавот, маккажўхори, дон-дуккакли экинлардаги Lepidoptera туркуми вакиллариغا қарши курашда 524,6 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 май 02/023-107-сон маълумотномаси). Натижада трихограмманинг ғўза тунламига қарши 68,5 % ни, бракон турларида эса 75,8 % биологик самарадорликка эришилган;

in vitro усулида кўпайтирилган паразит-энтомофагларни Lepidoptera туркуми вакиллариининг карантин зараркунанда турларига қарши қўллаш технологияси жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг Ўсимликлар карантини илмий маркази 463-33-сонли «29» май 2018 й.).

Натижада карантин зараркунандаларга қарши курашиш сарф харажатлари 2-3 мартабага тежаш ҳамда улар миқдорини бошқариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида жами 6 та тезис чоп этирилган, шулардан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та иш нашр этилган, шулардан, 3 та ўқув қўлланма, 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан 11 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Lepidoptera туркумининг асосий вакиллари биоценоздаги фаунаси ва улар популяциясини ривожланишини бошқариш, *in vitro* усулида кўпайтирилган энтомофагларни биоценозда паразит-хўжайин муносабатларининг шаклланиши**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хориж адабиётлари таҳлил қилиниб, памидор, мош, маккажўхори, карам ва ғўза экинларида учровчи *Lepidoptera* туркумининг вакиллари, уларнинг агроценозда ривожланиш динамикаси, зарарлилик даражаси, паразит-энтомофагларнинг ўрганилганлик даражаси бўйича таъриф келтирилган. Агробиоценозда паразит-хўжайин муносабатларининг шаклланиши, тунламлар сонини бошқариш қонуниятлари назарий-амалий аҳамияти, зараркунанда ва паразит миқдор мезонининг ўзгариши ва унга боғлиқ омиллар, *in vitro* муҳитида кўпайтирилган паразит энтомофагларни хўжайин-паразит муносабатларининг шаклланиши ва уларнинг биоценозда самарадорлигини ошириш, ҳозирги кундаги мавжуд муаммолар ёритилган ва мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот худудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жой, тадқиқот материаллари ва услублари ёритилган.

Тадқиқотлар 2014-2017 йиллар давомида Тошкент, Сирдарё ва Андижон вилоятларининг худудларида ўтказилди. Бунга боғлиқ равишда,

диссертацияда мазкур вилоятларнинг тупроқ-иқлим хусусиятлари, шунингдек, тунламлар тур таркиби ва аҳамияти тўғрисида қисқача тавсиф келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида қишлоқ хўжалик экинлари майдони, трихограмма турлари, уларнинг тур хусусиятлари, экинлар ҳосилдорлиги, зарарланиш даражаси ҳисобланди. Тадқиқот предмети сифатида экинларга зарар келтирувчи тунлам ҳашаротлар (тур таркиби ва тарқалиши, зарарлилиги, ривожланиш хусусиятлари ва б.), шунингдек, тунламлар сонини бошқаришда трихограммани қўллаш таркиби сифатида унинг самарали турларини интродукциялаш, кўпайтириш ва қўллаш усуллари кўзда тутилди. Диссертация иши тадқиқотларини ўтказишда энтомология ва агротоксикологияда умумқабул қилинган услублар, лаборатория ва дала тажрибаларидан фойдаланган ҳолда бажарилди. Хўжалик самарадорлиги тажриба ўтказилган жойларда ғўза, помидор ва маккажўхори экинлари ҳосилни ўлчаб кўриш йўли билан аниқланди. Иқтисодий самарадорлик ВАСХНИЛ услубига мувофиқ ҳисобланди. Тадқиқотда трихограммани кўпайтириш ва тунламларга қарши қўллаш бўйича усуллар тавсия этилди. Олинган натижаларга К.Гар, Б.А.Доспехов ва Г.Ф.Лакин услублари ёрдамида математик ва статистик ишлов берилди. Алоҳида ҳолатларда «ўртача хатоликни» ҳисобга олувчи касрий усул қўлланилди. Вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг математик моделлаш ва башорат лабораториясида яратилган компьютер дастури ёрдамида аниқланди. Паразит энтомофагларни *in vitro* муҳитида кўпайтириш Li.Liyingни услубий қўлланмалари асосида бажарилди.

Диссертациянинг **«Lepidoptera туркумининг асосий вакиллариини Ўзбекистоннинг жанубий шарқий ҳудуди фаунаси, экологияси ва уларнинг самарали паразит энтомофаг турлари»** деб номланган учунчи бобида Lepidoptera туркумини Ўзбекистоннинг жанубий шарқий ҳудуди фаунаси ўрганилган. Кузатувлар асосан Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг памидор, карам, маккажўхори, ғўза ва дуккакли экинзорларида олиб борилди. Кузатувлар йиллар бўйича таққосланиб, ўртача кўрсаткичлар олинган.

Капалаклари турли тутқичлар ёрдамида жумладан, ёруғлик тутқичлар (БУФ-30) ва ачитқилар ёрдамида тутилиб, назорат ҳар 3-5 кун оралатиб ўтказилди ва тутқичларга тушган тунлам капалаклари йиғилиб, лабораторияда тур таркиби аниқланган.

Тадқиқотларимизни биринчи босқичини Сирдарё вилоятларининг памидор экинида олиб борилган бўлиб, унга кўра Noctuidae оила вакиллариининг 7 та тури учраши маълум бўлган. Кузатувлар натижасида Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани памидор экинидаги Noctuidae оиласининг вакиллариининг 7 та асосий турлари учраши маълум бўлди. Улар популяцияни зичлиги турлича бўлганлиги кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Сирдарё вилоятининг помидор экини агробиоценозида учрайдиган Noctuidae оиласининг асосий вакиллари (2014-2017 йй)

№	Лотинча номи	Узбекча номи	Зарарлили к даражаси
Noctuidae оиласи			
1	<i>Agrotis segetum</i> Den et Schiff	Кузги тунлам	+++
2	<i>Agrotis ipsilon</i> Hufn	Ипсилон тунлам	+
3	<i>Autographa gamma</i> L	Гамма тунлам	+
4	<i>Helicoverpa armigera</i> Hbn	Кўсак курти	+++
5	<i>Heliothis virescens</i> Hufn	Беда тунлами	++
6	<i>Laphygma exigua</i> Hb	Карадрин тунлами	++
7	<i>Syngrapha circumflexa</i> L	Метал ранг тунлами	++

Изох: Зарарлаш даражаси- (+++) кўп, (++) уртача, (+) кам.

Помидорда асосан *Agrotis segetum* Den et Schiff, *Agrotis ipsilon* Hufn, *Autographa gamma* L, *Helicoverpa armigera* Hbn, *Heliothis virescens* Hufn, *Laphygma exigua* Hb, *Syngrapha circumflexa* L турлари учраши маълум бўлди. Ушбу зараркунандалардан асосан *Agrotis segetum* Den ва *Helicoverpa armigera* турлари кўп учраши аниқланди, нисбатан жуда кам учраган турлари эса *Agrotis ipsilon* Hufn ва *Autographa gamma* L эканлиги маълум бўлган.

2-жадвал

Тошкент вилояти мош агробиоценозида учрайдиган Noctuidae оиласининг асосий вакиллари (2014-2017 йй)

№	Лотинча номи	Узбекча номи	Зарарлили к даражаси
Noctuidae оиласи			
1	<i>Helicoverpa armigera</i> Hbn	Кўсак курти	+++
2	<i>Agrotis segetum</i> Den et Schiff	Кузги тунлам	+++
3	<i>Agrotis exclamationis</i> L	Ундов тунлам	++
4	<i>Laphygma exigua</i> Hb	Карадрин тунлами	++
5	<i>Heliothis virescens</i> Hufn	Беда тунлами	++
6	<i>Syngrapha circumflexa</i> L	Метал ранг тунлами	++
7	<i>Autographa gamma</i> L	Гамма тунлам	+
8	<i>Ochopleura flammata</i> Den	Қора елкали тунлам	+
9	<i>Agrotis ipsilon</i> Hufn	Ипсилон тунлам	+

Изох: Зарарлаш даражаси- (+++) кўп, (++) уртача, (+) кам.

Тошкент вилояти мош агробиоценозида учрайдиган Noctuidae оиласининг асосий вакиллари аниқлаш бўйича олиб борган тадқиқотларда ўз

Агробиоценозда учровчи *Lepidoptera* туркумининг паразит энтомофаглари
тур таркиби (2014-2018 йй).


	Паразит турлари	Зараркунанда тури	Озиқланиш ихтисослиги
1	Trichogrammatidae оиласи	Тангақанотлилар туркуми	Тухуми
	<i>Trichogramma evanescens</i> Westv. <i>Trichogramma pintoi</i> Voeg.	-//-	-//-
2	Braconidae Оиласи	Тангақанотлилар, туркумлари,	Етук ёшли курти, кўнғиз
	<i>Therion circumflexum</i> L.	-//-	-//-
	<i>Apanteles telengai</i> Tobias.	-//-	-//-
	<i>Bracon hebetor</i> Say.	-//-	-//-
	<i>Chelonus oculator</i> Panz.	-//-	-//-
	<i>Homolobus truhcator</i> Say	-//-	-//-
	<i>Therion circumflexum</i> L.	-//-	-//-
	<i>Cotesia melanoscela</i>	-//-	-//-
	<i>Microctonus aethioides</i>	-//-	-//-
3	Ichneumonidae оиласи	-//-	-//-
	<i>Diadegma</i>	-//-	-//-
4	Chalcididae оиласи	Барг ўровчилар, куялар	Қуртлари, ғумбаклари
	<i>Brachymeria intermedia</i>	-//-	-//-
	<i>Rhaphitelus maculatus</i> Wlk	-//-	-//-
5	Eulophidae оиласи	Барг ўровчилар, куялар	Қуртлари, ғумбаклари
	<i>Chrysocharis</i>	-//-	-//-
6	Pteromalidae оиласи	Тангақанотлилар, Қавариққанотлилар	Личинкаси, тухумлари ғумбаклари
	<i>Callitula Spinola</i>	-//-	-//-
	<i>Catolaccus Thomson</i>	-//-	-//-
	<i>Cheiropachus Westwood,</i>	-//-	-//-
	<i>Cyrtogaster Walker</i>	-//-	-//-
	<i>Cyrtoptyx Delucchi</i>	-//-	-//-
	<i>Habrocytus</i>	-//-	-//-
7	Tachinidae оиласи	Тангақанотлилар туркуми	Етук ёшли курти
	<i>Carcelia phalaenaria</i> R.-D.	-//-	-//-
	<i>Drina atropivora</i> R.D.	-//-	-//-
	<i>Exorista larvarum</i> L.	-//-	-//-
	<i>Gonia bimaculata</i> Rond.	-//-	-//-
	<i>Spallanzania hebes</i> Fal.	-//-	-//-

самарасини берди. Унга кўра мош агробиоценозида Noctuidae оила вакилларининг 9 та тури учраши аниқланди.

Мош агробиоценозида асосан *Heliothis armiger* Hbn, *Agrotis segetum* Den et Schiff, *Agrotis exclamationis* L, *Laphigma exigua* Hb, *Heliothis virescens* Hufn, *Syngrapha circumflexa* L турлари кўп учраши аниқланди, нисбатан кам учраган турлари эса *Autographa gamma* L, *Ochopleura flammata* Den, *Agrotis ipsilon* Hufn эканлиги маълум бўлди.


Шу билан бирга биоценозда Lepidoptera туркумининг энтомофаглариининг тур таркибларини аниқлаш бўйича ҳам илмий изланишлар олиб борилди (3-жадвал).

Унга кўра Lepidoptera туркуми вакиллари сонини самарали бошқариб турадиган асосий энтомофаг турларидан Trichogrammatidae, Braconidae, Ichneumonidae, Chalcididae, Pteromalidae, Tachinidae оила вакиллари учраши аниқланган.




1-расм. Pteromalidae оиласига мансуб Callitula Spinola паразит энтомофаги.

Ушбу паразит энтомофаг оила вакиллари орасида барг ўровчилар ва тангақанотлиларнинг самарали паразит энтомофаглари ҳисобланган *Pteromalidae* оиласига мансуб *Callitula spinola* ва *Eulophidae* оиласига мансуб *Chrysocharis* аниқланган, бироқ ушбу турлар мамлакатимиз олимлари томонидан чуқур таҳлил қилинмаган.



2-расм. Eulophidae оиласига мансуб *Chrysocharis* паразит энтомофаги.

Жахон олимлари адабиётларида келтирилган маълумотлар асосида лаборатория шароитида ушбу икки турнинг тур таркиблари аниқланди. Бундан ташқари Ichneumonidae оила вакилининг *Diadegma armillata* Grav тури Тошкент вилояти Бекобод тумани “Шохрухбек Шахзодбек” фермер хўжалигидаги карам агробиоценозида карам куяси паразитлик қилиши маълум бўлди ва лабораторияда тур таркиби аниқланди.





3-расм. Карам агробиоценозида *Plutella maculipennis* зараркунандасида аниқланган паразит энтомофаглари тур таркибларини аниқлаш. Тошкент вил. 2014-2018 йй

Диссертациянинг «Паразит-энтомофаглари *in vitro* усулида оммавий кўпайтириш ва сунъий озика мухитларини сақлаш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида Тошкент вилояти Бўка, Бекабод, Оққорғон ва Қибрай туманларидаги сабзавот, боғ ва пахта майдонларида учрайдиган карам куяси (*Plutella maculipennis*), маккажўхори парвонаси (*Ostrinia nubilalis*), олма мевахўри (*Laspeyresia pomonella*), кўсак қурти (*Heliothis*

armigera) ва кузги тунлам (*Agrotis segetum*) тухумларида паразитлик килувчи тўртта турдаги трихограмма (*Trichogramma chilonis*, *Trichogramma pintoii*, *Trichogramma evenecens*, *Trichogramma embryophagum*) коллекцияси лаборатория шароитида урганилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Йиғилган намуналарнинг 23% ни *Trichogramma chilonis*, 15% ни *Trichogramma evenecens*, 48% ни *Trichogramma pintoii*, 13% *Trichogramma embryophagum* ва қолган 9,5% ни *Trichogramma elegantum* ташкил қилди.

Сумка шаклидаги сунъий тухум карталари келажакда трихограммани кўпайтиришда саноат усулига ўтказиш ва биофабрикаларда трихограммаларни ялпи ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятини беради.



4-расм. Сумка шаклидаки сунъий тухум карталари.

Trichogrammatidae оила вакиллари *in vitro* усулида самарали кўпайтириш учун бир қанча хашарот гемолимфаларини тажрибалардан ўтказилган. Унга кўра катта мум куяси (*Galleria mellonella*), кўсак қурти (*Heliothis armigera*), карам куяси (*Plutella maculipennis*), карам оқ капалаги (*Pieris brassicae*), тут ипак қурти (*Bombyx mori*) каби хашарот гемолимфаларининг қайси бирида трихограмма турларини яхши ривожланиши учун самарали эканлиги бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ушбу тадқиқотларнинг асосий қисмида ўзида жуда кўп гемолимфа бўлган тут ипак қурти (*Bombyx mori*) нинг гемолимфасидан фойдаланилган (4-жадвал).

Унга кўра:

Trichogramma chilonis учун тут ипак қурти гемолимфаси 40.0 %, неоргник туз 15.0 %, тухум сариғи 25.0 %, табиий сут 20.0 %.

Trichogramma pintoii учун тут ипак қурти гемолимфаси 40.0 %, неоргник туз 15.0 %, тухум сариғи 25.0 %, табиий сут 20.0 %.

Trichogramma evenecens учун тут ипак қурти гемолимфаси 40.0 %, неоргник туз 15.0 %, тухум сариғи 25.0 %, табиий сут 20.0 %.

Trichogramma embryophagum учун тут ипак қурти гемолимфаси 40.0 %, неоргник туз 15.0 %, тухум сариғи 25.0 %, табиий сут 20.0 %.

Сунъий озиқа муҳитларини трихограмма билан зарарлантириш трихограмма ривожланиши учун қулай шароитлардан келиб чиққан ҳолда махсус термостатда олиб борилган. Унга кўра тажрибалар $+29\pm 1^{\circ}\text{C}$ ҳаво ҳароратида, $65\pm 3.5\%$ ҳаво нисбий намлигида олиб борилганлиги маълум қилинган (4 –жадвал).

Ушбу озиқа муҳитларида барча турдаги трихограмма турлари тўлиқ ривожланган ва ўз биологик самарадорлигини кўрсатган лекин уларнинг орасида *Trichogramma pintoi* авлодлари энг яхши кўрсаткичга эришган. Унга кўра сунъий тухумларни зарарланиш даражаси 89.5% бўлди. Тухумлардан то имагогача бўлган давр учун кетган вақт ўртача 11.2 кунни ташкил этди. Тухумлардан личинкалар чиқиши учун 1,2 кун вақт кетиб, озиқа муҳитда личинкалар 5,1 кунгача яшаб пупарияга айланди. Пупариялик даври 4.9 кун давом этиб, озиқа муҳитдан учиб чиққан трихограммаларнинг жинслари эркак:урғочилар нисбати (σ° : ♀) 1:5 бўлди ва имаголар 4,5 кун яшади.

4 –жадвал.

Трихограмма турларининг сунъий озиқа муҳитларида ривожлантиришда тут ипак гемелимфаси сарқ мейёрини аниқлаш (Лаборатория тажрибалари, 2014-2018йй)

№	Сунъий озиқа муҳитининг таркибий қисмларининг сарф меъёрлари, %				Трихограмма авлодлари билан зарарланиш даражаси, %	Трихограмма авлодарини турли ривожланиш даврларининг ҳаётчанлиги, кунлар бўйича				Жинслар нисбати (σ° : ♀)
						Тухуми	Личинка	Пупария	Имаго	
1	<i>Trichogramma chilonis</i>				85,1	1,6 \pm 0.04	4,9 \pm 0.07	5,1 \pm 0.05	5,0 \pm 0.05	1:6
	40 \pm 0.03	15 \pm 0.07	25 \pm 0.04	20 \pm 0.03						
2	<i>Trichogramma pintoi</i>				89,5	1,2 \pm 0.02	5,1 \pm 0.05	4,9 \pm 0.09	4,5 \pm 0.07	1:5
	40 \pm 0.03	15 \pm 0.07	25 \pm 0.04	20 \pm 0.03						
3	<i>Trichogramma evenecens</i>				78,5	1,5 \pm 0.02	4,2 \pm 0.07	4,5 \pm 0.05	4,7 \pm 0.09	1:5
	40 \pm 0.03	15 \pm 0.07	25 \pm 0.04	20 \pm 0.03						
4	<i>Trichogramma embryophagum</i>				75,2	1,4 \pm 0.02	4,5 \pm 0.07	4,1 \pm 0.05	4,5 \pm 0.09	1:5
	40 \pm 0.03	15 \pm 0.07	25 \pm 0.04	20 \pm 0.03						
Н (Назорат)					90,3	1.5	4.5	3.4	7.2	1:7
мум парвонаси тухуми										

Бракониде оила вакилларини *in vitro* ҳуҳитида кўпайтиришда турли хўжайин гемелимфаларидан, катта мум куяси (*Galleria mellonella* N), кўсак

қурти (*Heliothis armigera* Hb), карам куяси (*Plutella maculipennis* Curt.) ва тут ипак қурти (*Bombyx mori*) каби фойдаланилган.



5-расм. Бракон турларини термостатда ялпи кўпайтириш

5 –жадвал.

Бракон турларининг сунъий озика муҳитларида ривожлантиришда тут ипак қурти (*Bombyx mori*) гемолимфаси сарф меъёрини ва самарадорлигини аниқлаш (Лаборатория тажрибалари, D-вариант. 2014-2018йй)

№	Сунъий озика муҳитининг таркибий қисмларининг сарф меъёрлари, %			Бракон авлодари билан зарарланиш даражаси, %	Бракон авлодарини турли ривожланиш даврларининг ҳаётчанлиги, кунлар бўйича				Жинслар нисбати (♂: ♀)
					Тухуми	Личинка	Пулария	Имаго	
1	<i>Bracon hebetor</i>			90,0	2,1±0.0 3	5,0±0.0 9	4,2±0.0 4	9.5	5:21
	50±0.0 5	25±0.08	25±0.03						
2	<i>Bracon juglandis</i>			85.0	1,9±0.0 5	5,2±0.0 7	5,0±0.0 9	8,9	8:20
	50±0.0 5	25±0.08	25±0.03						
Н (Назорат)				92,0	2.1	5.3	4.9	8.0	1:6
кўсак қуртлари									


Тадқиқот натижалари бўйича тут ипак қурти гемолимфасида бракон авлодлари яхши ривожланди ва жинслар (эркак:урғочилар) нисбати ҳам

юқори бўлганлиги кузатилди. Демак, *Braconidae* оила вакиллари биологический лабораторияларда *in vitro* усулида кенг миқёсида кўпайтиришда юқоридаги тўртда сунъий озиқалардан фойдаланиш мумкин аммо улардан тўртинчи (D-вариант) сунъий озиқа мухити нисбатан кўпроқ самарали эканлини испотланган (5-жадвал).

Диссертациянинг «*In vitro* мухитида кўпайтирилган паразит-энтомофагларни биоценозда биологический кўрсаткичларини аниқлаш ва табиий авлодлари билан ўзаро муносабатларининг шаклланиши» деб номланган бешинчи бобида учта турдаги трихограмма турларида (*Trichogramma evanescens*, *Trichogramma pintoi*, *Trichogramma chilonis*) олиб борилган. Тадқиқотларимизнинг биринчи босқичи *Trichogramma evanescens* тури бўйича олиб борилган. Ушбу турни учта авлодига ривожланишида абиотик омилларнинг жинслар нисбатига таъсири ўрганилган. *In vitro* усулида кўпайтириладиган ҳар бир авлоддан кейин, янги ва бошқа сунъий тухумлари билан зарарлантирилди. Тухумларни зарарлантириш ушбу тур учун қуйи ҳарорат +15°C, юқори ҳарорат 28°C бўлган шароитда, нисбий ҳаво намлиги эса 70,60,50 % нисбатларда амалга оширилган.

Натижаларга кўра *Trichogramma evanescens*нинг биринчи авлодига ҳаво ҳароратини +15°C, ҳаво нисбий намлиги эса 70% қилиб белгиланганда трихограмма зотларининг ҳаракатчанлиги жуда секинлашди ва зарарлашга қўйилган тухумларни зарарлаш даражаси паст бўлиб, 20,1% зарарланди. Юқоридаги ҳаво ҳароратда трихограмма бир авлодининг ривожланиши 15 кунгача чўзилди. Учириб олинган трихограмма авлодининг жинслар нисбати (♂:♀) 5:2 ни ташкил этди.

Иккинчи авлод ривожланиши учун ҳаво ҳарорати +20°C, ҳаво нисбий намлиги 60% қилиб белгиланганда эса трихограмма сунъий тухумларни зарарлаш даражаси 54,8 % ни ташкил этиб, жинслар нисбати эса 3:7 ни ташкил этди (6-расм).




6-расм. *Trichogramma evanescens*, турининг ривожланишида абиотик омилларнинг жинслар нисбатига таъсири.

Учинчи авлодга ҳаво ҳароратини $+28^{\circ}\text{C}$, ҳаво нисбий намлиги 50% қилиб белгиланганда эса сунъий тухумларнинг зарарланиши 76,9% бўлиб, жинслар нисбати 2:7 ни ташкил этди. Бир авлодининг ривожланиш вақти 10,3 кунни ташкил этди. Бунда трихограмма зотларининг ҳаракатчанлиги ортиб 15% ли шакарли сув билан озиклантирилганда зотларнинг озикланиш жараёни фаол бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизни янада кенгайтириш мақсадида Braconidae оила вакиллари *Bracon hebetor* Say ҳамда *Bracon juglandis* Ashm турлари ривожланишида абиотик омилларнинг жинслар нисбатига таъсири бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилган. *Bracon hebetor* Say турининг *in vitro* усулида кўпайтирилаётган ҳар бир авлоди сунъий озикалар билан зарарлантирилди. Сунъий озика билан зарарлантириш ушбу тур учун қуйи ҳарорат $+15^{\circ}\text{C}$, юқори ҳарорат $+30^{\circ}\text{C}$ бўлган шароитда, нисбий ҳаво намлиги эса, шунга мутаносиб 70,60,50 % ҳаво нисбий намлигида амалга оширилди.

Натижаларга кўра *Bracon hebetor* Saунинг биринчи авлодига ҳаво ҳароратини $+15^{\circ}\text{C}$, ҳаво нисбий намлиги эса 70% қилиб белгиланганда браконнинг бир авлодининг ривожланиши 18 кунгача чўзилди. Учириб олинган бракон авлодларининг жинслар нисбати ($\text{♂}:\text{♀}$) 4:5 ни ташкил этди.

Bracon hebetor Saунинг иккинчи авлоди ривожланиши учун ҳаво ҳарорати $+25^{\circ}\text{C}$, ҳаво нисбий намлиги 60% қилиб белгиланганда эса браконлар сунъий озикаларни зарарлаш даражаси 62,8 % ни ташкил этиб, жинслар нисбати эса 2:5 ни ташкил этди (7-расм).



7-расм. *Bracon hebetor* Say турининг ривожланишида абиотик омилларнинг жинслар нисбатига таъсири.

Bracon hebetor Sauning учинчи авлодга ҳаво ҳароратини +30°C, ҳаво нисбий намлиги 50% қилиб белгиланганда эса сунъий озика муҳитларини зарарланиши 89,6% бўлиб, жинслар нисбати 2:7 ни ташкил этди. Бир авлодининг ривожланиш вақти 12,1 кунни ташкил этди.

In vitro усулида кўпайтирилган паразит-энтомофаглар ва уларнинг табиий популяциялари билан ўзаро муносабатларининг шаклланиши аниқлаш мақсадида биологическая лабораторияда трихограмманинг *Trichogramma pintoi* Voeg тури *in vitro* усулида кўпайтириш бўйича ўтказилган тадқиқотларга кўра турли популяцияларининг ривожланиши, яни турли 25-28-30°C ҳаво ҳароратларда, ҳамда 60, 65, 70% ҳаво нисбий намликда ривожланиши ўрганилди. Бунда бир турга оид трихограмманинг авлодлари пушторлиги, яшовчанлиги ва жинслар нисбати бир биридан фарқ қилган (6-жадвал).

6 -жадвал

***In vitro* усулида кўпайтирилган трихограмма (*Trichogramma pintoi* Voeg) турини турли ҳаво ҳарорати ва ҳаво нисбий намлигида биологик кўрсаткичлари(ТошДАУ Биомарказ, 2015-2018йй).**

Ҳаво ҳарорати, t°	Ҳаво нисбий намлиги, %	Пушторлиги, дон				Яшовчанлиги, кун	Жинслар нисбати, (♂: ♀)
		Мин-мак.	M+m	δ	Cv, %		
25	60	22,9-23,4	22,7±0,24	0,55	2,43	5,4	1:3,2
28	65	36,9-38,4	37,2±0,33	0,73	1,98	6,8	1:4,3
30	70	44-45,7	44,6±0,33	0,75	1,70	4,6	1:3,1

Изох: $M+m$ – ўртача кўрсаткич ва унинг хатолиги; δ - ўртача квадратик чекланиш; C_v – вариация коэффиценти, фоиз ҳисобида.

Юқоридаги тадқиқотлардан шу маълум бўлдики, *Trichogramma pintoii* турини лаборатория популяцияларда *in vitro* усулида кўпайтириш учун трихограмманинг ривожланиш босқичларига қараб ҳаво ҳарорати ва ҳаво нисбий намлигини ўзгартириб бориш лозим.

Диссертациянинг «*In vitro* усулида кўпайтирилган паразит-энтомофагларни биоценозда ассосий *Lepidoptera* туркуми вакиллари сони бошқаришдаги аҳамияти» деб номланган олтинчи бобида *in vitro* усулида кўпайтирилган паразит-энтомофагларни агробиоценозда *Lepidoptera* туркуми вакиллари сони бошқаришдаги аҳамияти ёритилган. Биологик самарадорликни аниқлаш мақсадида Республикамизнинг турли иқлим шароитига эга бўлган вилоятларида турли хилдаги агробиоценозда *Lepidoptera* туркуми вакиллари тухум ва қуртларига қарши қўлланилган. Тажрибалар Тошкент вилояти Ўрта чирчиқ тумани “Равшан” фермер хўжалигидаги ғўза майдонида олиб борилди.

